


ISSN 2181-6131



JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROTNOMASI

№4-2013

Ilmiy - uslubiy jurnal



**ВЕСТНИК
ДЖИЗАКСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
ПЕДАГОГИЧЕСКОГО
ИНСТИТУТА**

$$x(t, \varepsilon)|_{t=0} = x_m(t, \varepsilon)|_{t=0}, \quad \frac{d^i x(t, \varepsilon)}{dt^i} = \frac{d^i x_m(t, \varepsilon)}{dt^i}, \quad i = 1, 2, \dots \quad (28)$$

тенгликлар бажарилсин;

2) $f(\tau, x, \varepsilon)$ вектор функция ўзгармас l сони учун Липшиц шартини қаноатлантирсин;

$$\|f(\tau, x, \varepsilon) - f(\tau, x_m, \varepsilon)\| \leq l \|x - x_m\| \quad (29)$$

У ҳолда ε параметрга боғлиқ бўлмаган шундай ўзгармас a сони мавжуд бўлдики

$$\|x(t, \varepsilon) - x_m(t, \varepsilon)\| \leq \varepsilon^{m+1-3q} a$$

$$\left\| \frac{d^i x(t, \varepsilon)}{dt^i} - \frac{d^i x_m(t, \varepsilon)}{dt^i} \right\| \leq \varepsilon^{m+1-3q} a, \quad i = 1, 2. \quad (30)$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

АДАБИЁТЛАР

- [1]. Фихтенгольц Б.П. Основы математического анализа. – М.Наука.-1968.-440 с.
- [2]. Алишев А.Г. Иккинчи тартибли чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар тизимининг яқинлашувчи ечимлари. (Препринт). Тошкент-1994 й. ЎзРФА. “Кибернетика” ИИЧБ. 57 бет.
- [3]. Фещенко С.Ф., Шкиль Н.И., Николенко А.Д. Асимптотические методы в теории линейных дифференциальных уравнений. -К.Наука. думка, 1966-252 с.

Қабул санаси
03.07.2013.

*Ф.А.Алишева. Асимптотическое интегрирование систем дифференциальных уравнений дробного ранга
В случае простых корней характеристического уравнения построены частные формальные асимптотические
решения системы нелинейных дифференциальных уравнений дробного ранга.*

*F.A.Alishева. Asymptotic integration system of fractional differential equations
In case of ordinary differential equations roots there has been built private formal asymptotic solution of the system of
nonlinear differential equations of fractional rank*

УДК: 574.24:635.18

СОЯНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ ВА УНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ

Д.А.Имомова, Б.А.Абдувоҳидов, У.Н.Усанов

Жиззах давлат педагогика институти

Тирик-табиий ҳаракатнинг марказий қисмини ўсимликлар олами ташкил этади. Ҳозирги кунда инсон ҳаётини ўсимликлар оламосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар қадимдан инсоният учун озиқ-овқат, маиший воситалар, қурол-яроғ, доривор воситалар сифатида муҳим аҳамият касб этиб келган. Бугунги кунда инсоният фаолиятининг турли тармоқларида ўсимликлар дунёси вакиллари кенг кўламда фойдаланилмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгач чорвачилик хусусан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилди. Соя қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган дуккакли ўсимликлардан бири ҳисобланади. Соя энг қадимги экин бўлиб эрамиздан беш минг йил илгари уруғи учун экилган. Унинг ватани Жанубий шарқий Осиё мамлакатлари. Ҳозирда бу ўсимликнинг шарқий-жанубий Осиёда, Хитой, Манжурия, Япония, Индонезия, Корея, Ҳиндистонда 250 га яқин тури экилади.

Соя Ўзбекистонда XX асрнинг 20 йилларидан буён экиб келинади ва у Хитойдан кириб келган. [1] Африканинг баъзи ҳудудларида, Жанубий ва шимолий Америкада Европада ва ҳатто Австралияда ҳам экилади. Узоқ шарқда Осурия сояси деб аталадиган ёввойи соя ўсади. Бу ўсимлик маданий соянинг ёввойи аجدоди ҳисобланади.[2]

Соя ўсимлигининг систематикаси:

Тип- ёпик уруғлилар типи (ANGIOSPERMAE)

Синф- иккипаллалилар (DICOTYLEDONEAE)

асосан қатор оралиги 60 см қилиб пунктирлаб экилади. Соя қатор оралари 45, 70, 90 см қилиб ҳам экилади. СамҚХИда ўтказилган тажрибаларда соя 60x15 схемада экилганда қатор ораси 45x15x6 схемада экилгандагига нисбатан дон ҳосилдорлиги 4,3 с/га кўп бўлган. [3] Тезпишар навлар экилганда экиш меъёри 90-100 кг/га кечпишар навлар 60-70 кг/га. Соя уруғлари 4-5 см чуқурликка экилади.

Соя органик ва маданли ўғитларга талабчан гўнг 1 г майдонга 30-40 т солинганда соя ҳосили 5-6 с/га ошган ва кейинги 3-4 йилда ҳам унинг ижобий таъсири сақланиб қолган. Солинадиган гўнг чириган бўлиши лозим. Соя 20 с/га дон ҳосили ва шунга мувофиқ ўсиш органларини ҳосил қилиш учун тупроқда 140-150 кг азот, 30-40 кг фосфор ва 40-50 кг калий ўзлаштирилади. Соя гуллашдан дуккакларнинг тўлишигача озик моддаларни жуда жадал ўзлаштиради. Азотли ўғитларни қўллашда соя ўсимлигини биологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Азотли ўғитлар гектарига 30-50 кг берилади. Азотли ўғитларни кўп миқдорда қўллаш тугунак бактериялар фаолиятини сусайтиради ва ўсиш даврининг чўзилишига олиб келади, кўпинча ўсимликнинг ётиб қолишига сабаб бўлади. Ўсимлик дуккаклари ҳосил бўлиши фазасида фосфорни жадал ўзлаштиради. Фосфорнинг миқдори 90-100 кг/гани ташкил этади. Унинг 20-30 % и экиш олдидадан ёки экиш билан берилади. Калий бир гектарга 40-50 кг солинади. Шундай қилиб суғорилаётган ерларда сояга маданли ўғитлар йиллик меъёри азот 30-50, фосфор 90-100, калий 40-50 кг/га ни ташкил қилади.

Экинзорни суғориш тупроқ механик таркиби сизот сувлар сатҳига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Суғориш меъёрлари 400-450 м³/га. Ўсимлик вегетациясининг бошларида 600-650 м³ га, вегетация ўрталарида ва 400-500 м³ га дан пишиш пайтида лалмикор соя суғорилмаса, 4-5 с/га дан ҳосил беради. Ўзбекистон шароитида суғоришни тўғри ташкил қилиб ўтказиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Соя алмашлаб экишларда жойлаштирилади. Ўзидан кейин соя тупроқни унумдор, бегона ўтлардан тоза органик моддалар ва азотга бойитилган ҳолда қолдиради. Тупроқнинг сув-физик хоссалари биологик фаоллиги, соя экилгандан кейин ортади. Кузги буғдой ҳосили, кунгабоқар маккажўхори сулидан кейин экилгандагига нисбатан соядан кейин экилганда 5,7-7,1 с/га ошган. Пахтачилик галлачилик сабзавотчилик, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда сояни алмашлаб экишларга киритиш экинлар ҳосилдорлиги тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бир гектарда мавсум давомида 150-250 кг азот тўплайди.

Бу ўсимликнинг донида 30-52 % оксил 18-25 % ёғ 20% углевод бор. Унинг донидан қандли диабет касалликлари учун пархез таомлар тайёрланади. Донидан сўт, қатик, творог, колбаса маҳсулотлари маргарин ун кондитер маҳсулотлари мой консервалар тайёрлашда фойдаланилади. Соянинг асосий оксиди глицимин яхши ҳазмланади, сувда яхши эрийди унинг оксиди алмашинмайдиган аминокислоталарга бой.

Шундай қилиб соянинг саноат, тиббиёт, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигидаги аҳамияти жуда катта.

АДАБИЁТЛАР

- [1]. Л.И Корсанов, Н.А. Комарницкий К.И. Мейер В.Ф.Раздорский А.А. Уранов. Ботаника II том «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти Тошкент-1963
- [2]. Р.О. Орипов, Н.Х. Халилов-Ўсимликшунослик «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти 2007
- [3]. Х.Н.Атабаева. Соя. Тошкент, «Меҳнат» нашриёти 1987

Қабул санаси
08.06.2013.

*Д.А.Имомова, Б.А.Абдувахидов, У.Н.Усанов. Биологические свойства сои и её место в сельском хозяйстве
В статье рассматривается биология растения сои, обосновывается его значение в промышленности, медицине, животноводстве, сельском и народном хозяйстве. Приводятся сведения об агротехнических свойствах сои.*

*D.A.Imomova, B.A.Abdavakhidov, U.N.Usanov. Biological properties of soybean and its place in agriculture
In this article the importance of the biology of soybean in industry, in medicine, in cattle-raising, and in agriculture is based on. The information about agrotechnics of growing soybean is given.*

МУНДАРИЖА

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР

Алишева Ф.А. Каср рангли дифференциал тенгламалар системасини асимптотик интеграллаш.....	3
Имомова Д.А., Абдувоҳидов Б.А., Усанов У.Н. Соянинг биологик хусусияти ва унинг кишлоқ хўжалигидаги ўрни.....	6
Олимов К., Курбанов А.Р., Бекмирзаев Р.Н. 3.25 а гэв/с импульсли ¹⁰ ор-тўқнашувларида 6 ва 7-нуқлонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиш каналларининг ярим ажратилган кесимлари.....	9
Тайланов Н. А., Ўразов А. Н., Эшгўлтарова О. II – тур ўта-ўтказгичларда термомангнит нотурғунлик.....	10
Ҳусенова З., Мо'минова Н. Vitaminlarning sirlari.....	13
Яхшиева З.З., Зиядуллаев А.Э., Хамидова Х.М. Экотоксикология янги фанлар аро илмий йўналиши.....	16
Qarshiboyeva N.N., Samandarova Z., Haydarov B. O'zbekiston Respublikasi "Qizil kitobi"ga kiritilgan Turkiston tog' tizmasi (Jizzax viloyati)dagi kamyob o'simliklar.....	17

ИЖТИМОЙ – ГУМАНИТАР ФАНЛАР

Abduvaliyev A., Abduvaliyeva Z. "Hotamnoma"da forscha sifat ma'nosini anglatuvchi so'zlarning qo'llanilishi.....	22
Абдулқосимов А.А., Ҳакимов Қ.М. Этнотопонимлар ва уларнинг тарқалиш ареаллари ҳақида.....	25
Алмаматов Т. Туганмас хазина.....	31
Бакиров О., Норматов С. Шахс маънавиятини англаш юзасидан ёндошувлар хилма-хиллиги ва уларнинг ўзига хослиги.....	34
Бўриева Ҳ. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда Омбудсманнинг роли ва аҳамияти.....	37
Жуманазаров У.А. Тарихий фольклордаги тарихийлик принципларининг ўзига хос усусиятлари.....	39
Жўраев О. Мумтоз адабиётда адолатли шох сиймоси.....	44
Соатов Б.А. Ўзбек фольклорида макол ва топишмоқ муносабатлари.....	49
Тоғаев Т. Ашуралӣ Зоҳирӣ ва унинг ўзбек тилшунослиги тарихида тутган ўрни.....	50
Файзуллаев Б., Файзуллаева Д. "Алпомиш" достони тилида диалектизмлар.....	55
Хамракулов Т. АҚШ ва ГФРда конституциявий назоратнинг ўзига хос моделлари ҳамда назорат органларининг ташкил этилиши (улар фаолиятидаги афзаллик ва камчиликлар).....	60
Холбеков М. Н. XXI аср: глобаллашув даври адабиётида умуминсоний тамойиллар.....	63
Холиев Ф.О, Холиев Г.Ф. Кулай инвестиция муҳитини яратиш – мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш гаровидир.....	69

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

Джаббаров Ш.Х., Муродова Г. Бўлажак чет тили муаллимининг касбий тайёрғарлиги ва уни шакллантириш йўллари.....	76
Жумабоев С.М.. Математик модел ва математик моделлаштириш, компьютерда масала ечиш босқичлари ва хусусиятлари.....	78
Жугаев I. МТК kursini o'qitishda o'zini o'zi baholash turlari.....	82
Кубакова К.Қ. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи усуллар.....	85
Тўракулов Х.А., Уралов Қ.Н. Педагогикада ўқиш – ўқитишнинг натижаларини назорат қилиш ва ўлчаш.....	87
Усманов Н.У. Бўлажак мутахассисларни миллий ғоя тарғиботига тайёрлашнинг педагогик асослари.....	92
Усмонов С. Усмонов М.С. Интерактив электрон ўқув курсларини яратиш ва қўллаш принциплари.....	96
Egamberdiyev I.B., Alimqulov S.O., Pirnazarova S.I. Kimyo fanidan laboratoriya tajribalarini o'tkazish metodikasi.....	100
Юсупов Р.М., Қаршиев А.А. Информатика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштириш.....	102